



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (12.410)

Баҳоси эркин нарҳда



**Эритилган металлдан чиройли ва бежирим буюмлар
ясаш устадан катта диққат-эътибор, нозик дид ва
ҳаракатларни талаб қилади. Заргар шу тариқа нақшнинг
барча элементларини бирлаштириб, улардан гўзал буюм
ясади.**

Таълим

ҲУНАРЛИ ИНСОН КАМ БЎЛМАЙДИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги миллий хунарамандчилик касб-хунари коллежининг «Заргар-рассом» йўналиши бўйича ҳар бир битирувчиси ўзи ясаган шундай безакларни ўқиш якунида топшириши керак.

Халқимизнинг бетакрор маданияти мусиқа, рақс, рассомлик, пазандчилик, амалий-безак санъатида ва албатта, миллий хунарамандчиликда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Истиқлол йилларида миллий меросимизни асраб-авайлаш, хунарамандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус» танловига «Энг яхши хунараманд» номинациясининг киритилгани ҳам бунинг далилидир.

Сўнгги йилларда халқ хунарамандчилигини қайта тиклашга қаратилган мустақкам ҳуқуқий база яратилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда ушбу йўналишда ташкил қилинган ўқув муассасаларида ёшлар миллий хунарамандчилигимиз сир-асрорларини ўрганиб, уста бўлиб етишмоқда. Учтепа туманидаги миллий хунарамандчилик касб-

хунари коллежи ҳам ана шундай ўқув даргоҳлари жумласидандир.

– Коллежимизда миллий амалий-безак санъатининг кўп асрлик анъаналари ворислари бўлган халқ усталари тайёрланади, – дейди коллеж директори Ҳасан Йўлдошев. – Ўқувчиларнинг коллеж музейида намойиш этилаётган ишлари ҳам бунга мисол бўла олади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режасига биноан ёшлар саккиз йўналиш бўйича уч йил ўқитилади. Коллежда заргар-рассом, либослар модельери, миллий этнографик ва бадий либослар дизайнери каби касбларни эгаллаш мумкин. Шунингдек, гилам ва суратли гиламлар тайёрлаш бўйича уста-рассом йўналишида ўқувчилар лавҳ, галадон, ўйма нақшли хонтахталар ясамоқда.

Коллежда 993 ўқувчи билим олиб, касб ўрганмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Махсус жиҳозланган ўқув ва лаборатория хоналарида 65 нафар малакали педагог машғулот ўтказиши. Устозлар ўқувчиларга ўз тажрибасини ўргатиш билан бирга уларни ўзи ясаган буюмлар билан ҳам таништирилади.

Ўқувчилар усталигининг барча сир-асрор ва услубларини, металл ҳамда тошлар хусусиятларини пухта ўрганиши керак. Уларнинг хато қилишига ҳаққи йўқ. Негаки, заргар-

лар кўпинча қимматбаҳо тошлардан турфа буюмлар ясади.

Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва кейинчалик уларни иш билан таъминлаш коллеж раҳбариятининг асосий вазифаларидандир. Шу боис «корхона-коллеж» ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда, ўқувчилар муайян иш жойларига бириктирилмоқда. Бунда «корхона-ўқувчи-коллеж» уч томонлама шартномалари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўқувчиларга амалиётда ўзини кўрсатиш ва шу ернинг ўзида доимий иш билан таъминланиш имконини беради.

– Яхши ўқиш, касб эгаллаш кейинчалик ишга жойлашишда катта имкониятлар яратади, – дейди заргар-рассом йўналишининг учинчи босқич ўқувчиси Дилшод Абдуллаев. – Айни пайтда менда бир неча истикболли таклифлар бор. Орзуим тажрибали усталар анъаналарини ёш авлодга етказиш, янги материалларни синаб кўриш.

Бундай ишлар мамлакатимизнинг барча коллежларида амалга оширилмоқда. Яхши кадрлар тайёрлаш нафақат ўқув муассасасига обрў келтиради, балки корхоналар учун ҳам фойдали бўлиб, демакки, бутун иқтисодиёт учун катта самара беради.

**Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири**

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР УЧУН САРМОЯЛАР

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила мустақкамчилигини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш орқали меҳнатини энгилаштиришга оид вазифалар белгиланган.

Кам фоизли микросармоялари билан аҳолининг ва ишбилармонларнинг ишончли ҳамкорига айланган «Микро-кредитбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан ишбилармон аёлларга қарийб 14 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани бунинг далилидир. Маблағлар асосан ишлаб чиқаришга йўналтирилгани туфайли 6 мингдан зиёд аёл доимий иш ўрнига эга бўлди. Шунингдек, қишлоқларда яшовчи аҳолининг узок муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 3,4 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга хорижий маблағлар ҳам кенг жалб этилмоқда. Халқаро тараққиёт уюшмаси, Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастурининг лойиҳалари бунга мисолдир. Хусусан, Гер-

мания халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонднинг хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида фаолият юритаётган ишбилармон аёлларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш учун 815 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда сармоялар ажратилди.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди (ФОПСИ) билан ҳамкорликда фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган «Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳаси ҳам ўз самараларини бераётди. Жорий йилнинг ўтган даврида лойиҳа доирасида 5 минг нафар тадбиркор ва фермер аёлнинг имтиёзли микрокредитлар сўраб ёзган аризаси ижобий ҳал этилиб, қўллаб-янгилар иш ўринлари яратилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАПЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимизда «Оила — маҳалла — таълим муас-

сасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ижросини таъминлашда маҳалланинг вазифалари» мавзuida матбуот анжумани ташкил этилади.

✓ **БУГУН** «Пойтахт» бизнес марказида бўлиб ўтган тадбир «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросига бағишланиб, «Мен тадбиркорлиқни танладим» деб номланди.

Деҳлида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши мавзуйига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва илмий-академик доираларининг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ҲИНДИСТОНДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинар экан, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилма объектларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техникавий ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида ўзлаштирилган сармоялар ҳажми 7,2 фоизга ўсгани алоҳида таъкидланганди.

Брифингга сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида қўлга киритилган муваффақиятларни эътироф этганлари баробарида Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларининг ривожланиб бораётгани ҳамда мамлакатларимизро ўзаро алоқаларнинг истиқболи хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқладилар.

Жумладан, Ҳиндистон Молия институти раисининг муовини, профессор Аман Агарвал Ўзбекистоннинг тараққиёт суръатларини катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб келаётганини айтди. Унинг фикр билдиришича, иқтисодий ислохотларнинг изчил ҳаётга тадбиқ этилиши, кўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда молиявий тартиб сақланаётди. «Бир неча йиллардан буён давлат қарзининг паст даражаси сақланмоқда, бу эса, ўз навбатида, пул кадр-сизланиши жараёнларида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётгани ҳолда бюджет профицитини янада ошириш имконини бераётди», деди у.

А. Агарвал 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариши 7,5 фоизга ўсгани хусусида тўхталар экан, «бу Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳоли ҳаёт тарзи даражаси ва сифатини намоён этадиган кўрсаткичлардан бири эканлигини қайд этди. «Эришилаётган натижалар республиканинг иқтисодиёти йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланаётганидан далолат беради», деди Ҳиндистонлик эксперт. «Furtherance» ижтимоий-сиёсий журналининг бош муҳаррири Халид Альви қайд этганидек, тараққиётнинг «ўзбек модели» мамлакатнинг барқарор иқтисодий юксалишини таъминлашни ҳамда аҳолини ижтимоий ҳолатдан қимор қилиш учун зарур бўлган чораларни қамраб олган.

«Жорий йилнинг биринчи чорагида ташкил этилган 250 мингга яқин янги иш ўринларининг 150 мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилгани аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти бўлди», деди Х.Альви.

«Жаҳон» АА
Деҳли



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан миллий, этник ҳамда диний тотувлик ва ҳамжиҳатлиқни таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнир бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мurosасиз мусобақаларда дунёнинг ўттизга яқин давлатидан келган полвонлар ўзаро куч синашди.

• Андижон шаҳрида ўтказилган Худудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида вилоятдаги 190 корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган 800 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар намойиш этилди. Бундан ташқари, унда Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

• Бухоро тасвирий санъат музейида «Бухоро музейлари дурдоналари» деб номланган тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада Бухоро давлат бадий меъморчилик музей-қўриқхонаси таркибига кирувчи ихтисослаштирилган музейларда сақланаётган юзлаб тасвирий санъат асарлари ҳамда воҳанинг бой хунарамандчилик анъаналарини намоён этувчи заргарлик, зардўзлик, каштачилик, кулолчилик буюмлари намойиш этилмоқда.

• Наманганда «Ҳамшира – 2013» қўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 9 нафар тиббиёт ходими тадбирининг якуний босқичига йўлланмани қўлга киритиш учун баҳс юритди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Оклахома штатида рўй берган кучли тўфон натижасида мазкур штат табиий офат худуди деб эълон қилинди. Соатида 350 километр тезликда эсган кучли шамол юзлаб уйларни, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ва мактабларни вайрон қилди. Сўнгги маълумотларга кўра тўфон 91 кишининг ҳаётига зомин бўлган, вайроналар тағида қолиб кетган одамлар қидирилмоқда.

• Европада сўнгги бир ярим йил ичида илк бор автомобиллар савдосида ўсиш кузатилди. Маълумотларга қараганда, апрель ойида Европа Иттифоқи худудида бир миллион донга янги автомобиль сотилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 фоизга кўпдир.

• Швеция пойтахти Стокгольмда машҳур АББА гуруҳи фаолияти ва тарихига бағишланган музей очилди. АББА музейи Швеция маданияти шон-шараф залининг бир қисми ҳисобланади. Унинг раҳбарлари бу ерга йилига 200 минг кишининг келишини тахмин қилишмоқда. Музейдан АББА хонандаларининг суратлари, қўшиқлар тўпламлари ўрин олган.

• Кеча Швейцариянинг Женева шаҳридаги майдонлардан бирига йиғилган 1,5 мингга яқин одам гаройиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Қалин сим ёрдамида ҳавога муаллақ кўтарилган санъаткор кўнда-ланг ҳолда пианинода бир нечта куйларни чалди.

• Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида яшовчи тадбиркор Дата Фугей дунёдаги энг қимматбаҳо эркаклар кўйлагининг эгасига айланди. Бунинг учун у 250 минг доллар сарфлагани ҳолда оғирлиги 3 килограммдан ортиқ соф олтиндан тайёрланган кийимни сотиб олди. Бундай махсус буюртмани тайёрлаш учун 15 нафар заргар икки ҳафта давомида кунига 16 соатдан ишлади.



(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредит-банк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони банкининг тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш имкониятларини ҳар жиҳатдан кенгайтиришида муҳим омили бўлаётди.

Фармонга кўра, «Микрокредитбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларига бошланғич сармояларни шакллантиришга йиллик 3 фоизли, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун эса йиллик 6 фоизли микрокредитлар аж-

ўнга яқин иш ўрни яратди. Бу ерда пластик ромлар ишлаб чиқарилмоқда. Наманган шаҳри «Беруний тикув савдо» хусусий корхонаси қарийб 6 миллион сўм эвазига фаолиятини кенгайтириб, 4 иш ўрни яратди. Фориш туманидаги «Фортекс» хусусий кичик корхонаси эса олинган 20 миллион сўм эвазига жунни қайта ишлашни йўлга қўйиб, олтига янги иш ўрни яратди.

вомида ўзаро ёрдам гуруҳ аъзолари кафилиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «Аёл тадбиркор бўлса...» лойиҳасини эълон қилди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлан-

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР УЧУН САРМОЯЛАР

ратмоқда. Бундан ташқари, корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш учун кўрсатилган микролизинг хизматлари ставкаси йиллик 5 фоизни ташкил этмоқда. Бу тадбиркор хотин-қизларга ўз бизнесини бошлаш ва фаолиятини ривожлантиришда жуда қўл келмоқда.

Банкдан олинган 28 миллион сўмлик кредит эвазига 7 иш ўрни яратилган Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп ширт» хусусий корхонаси тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Боёв туманидаги «Бахтиёрбек-Мағрурбек» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 24 миллион сўм эвазига

Айни пайтда «Микрокредитбанк» Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг UNWOMEN тузилмаси билан ҳамкорликда «Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида имтиёзли бошланғич сармоя ажратиш лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида Қанлиқўл, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чирчик туманларида ўзаро ёрдам гуруҳлари билим даражаси ва соҳахиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилди.

Тренингда иштирок этган, кредит олиш учун зарур таъминотга эга бўлмаган беш юз нафардан ортиқ хотин-қизга жорий йилнинг апрель-май ойлари да-

тириш, пировардида бандлик масаласини ҳал қилишга қаратилган ушбу лойиҳа доирасида жорий йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг етмишга яқин аҳоли яшаш пунктда семинарлар ўтказилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтаётган бундай тадбирларда халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жойлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳамжиҳатликда ҳал қилиш йўллари, бу борада яратилган шарт-шароит, имтиёзлар, жумладан, аёллар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида батафсил маълумотлар берилаётди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

ҲАҚҚОНИЙ ТАРИХ — МАЪНАВИЙ КУЧ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишига долзарб масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳитов, Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдухалимов, Фанлар академияси Тарих институти директори Р.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида миллий ўзликни англаш, тарихимизни ҳолис ўрганиш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи — истиқлол йиллари солномасидир. Бу даврда мамлакатимизда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдевори қўйилди. Барча соҳаларда ривожланиш, одамлар дунёқарашида янгиланишлар юз бермоқда. Бу янги тарихий жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, одамлар онгу шуурига ва келгуси авлодларга ҳолисона етказиш тарихчи олимлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида ушбу янги тарих ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, халқроқ муносабатлар, антропология, этнология, фалсафа каби фанларни камраб олган ҳолда ўрганилмоқда. Хорижий давлатларнинг етакчи олимлари ва илмий марказлари билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Бу Ўзбекистоннинг янги тарихини, жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрнини, тикланиш ва тараққиёт тамойилларини тўла тадқиқ этишга хизмат қилаётди.

Анжуманда тарихни ўрганиш борасида олиб борилаётган изланишлар, тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари хусусида фикр алмашилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар шароитида сайлов тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қурилишининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки айнан сайловлар орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларига оид конституциявий ҳуқуқлари рўйбга чиқади.

Шу мақсадларда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, жорий йилнинг 22 апрель кунини унинг янги тахрири тасдиқланди.

Ушбу Қонун Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» голари билан ушбу беклиқнинг «Маълумки», 2011 йилнинг май-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ пойтахт ҳудудида жами 476 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилган эди. Ошқоралик ва бошқа демократик тамойиллар руҳида

да сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ваколатлари белгилаб қўйилди. Аввалги сайловларда бундай комиссиялар Сенат Кенгаши қарорига асосан тузилиб, муваффақиятли фаолият юритганлиги инobatга олинмоқда.

Демак, Сенат Кенгашининг комиссияси: — сайловни қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этади ва ўтказиш; — сайловга кўмаклашувчи вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб боради; — зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди; — аҳоли ўртасида сайловни ўтказиш масалалари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этади; — сайловларнинг боришининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этади; — сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муро-

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

жаатларини кўриб чиқади;

— сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва уни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.

Мазкур комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини ҳам амалга ошириши мумкин.

Жойларда сайловга кўмаклашувчи комиссияларнинг халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгаши қарори билан тузилиши белгилаб қўйилди. Комиссиялар юқорида айтилган ваколатлар билан бир қаторда, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ижросини таъминлайдилар.

Бу ерда янгилик шундан иборатки, эндиликда комиссия ховлилари, уйлар, қалалардан ҳамда шаҳарчалардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги нормасини белгилайди.

Шуниси муҳимки, сайловга кўмаклашувчи Сенат Кенгашининг комиссияси ва жойлардаги комиссиялар сайловни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш даврига тузилади.

Маълумки, сайловларни ташкил этиш бўйича авваллари фуқаролар йиғини қарори билан сайлов даври учун ишчи гуруҳи тузилади эди. Эндиликда ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини билан бир қаторда, фуқаролар вакиллари йиғилиши қарори билан ҳам тузилиши мумкин. Бироқ, сайлов эълон қилиниши билан у ўз фаолиятини тугатади (14-модда).

Бундан кўринадики, сайловга оид барча ишлар кўмаклашувчи комиссиялар томонидан олиб борилади.

Ишчи гуруҳининг ваколатлари Қонуннинг 15-моддасида батафсил кўрсатиб ўтилган бўлиб, у асосан сайловнинг бошланғич ташкилий ишларини таъминлайди. Масалан, фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди. Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олади ва баён-нома тузади.

бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш таърибасига, шунингдек ҳаётий таърибига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиш керак.

Янгиликлар яна шундан иборатки, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари раис (оқсоқол) вазифасига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

19-моддада ҳам тахририй тузатишлар юз берди. Эндиликда маслаҳатчилар вазифасига номзодларнинг тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрлари инobatга олингани ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови очик овоз бериш йўли билан, қўл қўриш орқали амалга оширилади. Қонуннинг 23-моддасига киритилган янгилик шундан иборатки, раислик қилувчи номзодларни алифбо тартибда овозга қўяди. Ва албатта, овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг яримдан кўпроги овозини олган номзод сайланган ҳисобланади (26-модда).

Сайлов ҳолатида қонунбузилишларга йўл қўйилган бўлса, унинг натижалари суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бу ҳолда Қонуннинг 27-моддасида қўзда тутилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аввалги сайловлар натижалари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан уларни бекор қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилмаган.

Уйлаймизки, 2013 йилнинг куз ойларида ўтказилиши кўзда тутилётган сайловларда юқорида айтиб ўтган демократик омиллар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилади ҳамда фуқароларимизнинг фаоллигини янада ошириш, уларнинг сайлов ҳуқуқларининг қафолатлиниши учун хизмат қилади.

Мирзоҳад ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

ЎТУҚЛАР ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самаралари ва истиқболдаги вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт муассасалари, скрининг, перинатал, репродуктив саломатлик марказлари олимлари, турғуқ мажмуалари шифокорлари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирини А.Алимов, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Д.Ахмедова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган оналик ва болаликни муҳофазалаш миллий модели инсон манфатларини таъминлаш, баркамол авлодни камолга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жимсоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ишларни тизимли асосда ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» госянини ўзида мужассам этган дастур доирасида бир қатор замонавий тиббиёт йўналишлари — она ва бола скрининги хизмати, перинатал тиббий ёрдам муассасалари тармоғи, репродуктив саломатлик марказлари ташкил этилди. Бунинг самарасида юртимизда оналар ва болалар ўлими кескин камайиб, мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бир қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра, аёлларга қулай шароит яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимиз жаҳоннинг 125 давлати орасида етакчи ўринда туради. Ушбу мақом Марказий Осиёда энг яхши, МДҚ ва Осиёда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича ҳудудий бюроси томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастуруларни минтақавий модель сифатида тан олинди.

Матбуот анжуманида эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий билим ва саводхонлигини юксалтириш, тиббий-ижтимоий лойиҳаларни амалга тадбиқ этишда ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Таълим

ЎҚУВ ЙИЛИ САРҲИСОБИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012/2013 ўқув йили якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири У.Иноятлов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мактаб таълимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани ўқувчиларга аниқ мақсадли дастурлар асосида таълим-тарбия бериш, ўрта махсус, касб-хунар таълимига тайёрлашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

2012/2013 ўқув йилида оптималлаштирилган фанлар бўйича ўқув дастурулари, янги, илғор педагогик технологияларни таъриб-синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. 5-8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Билимлар беллашуви» натижасига кўра, мактабларнинг ўқитиш сифати оид махсус рейтинг яратилди. «Устоз-шоғир», «Дарс — мукаддас!», «Ўрган — ўргат!», «Мураккаб фанни ўрганадсан» лойиҳалари педагогларнинг ўзаро таърибга алмашини имконини берган бўлса, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови илгор иш услубларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ халқроқ экспертларни жалб этган ҳолда 1-9-синфлар учун чет тиллар бўйича ўқув дастурулари яратилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун чет тилларида яратилаётган дарслик мажмуалари 130 мактаб ва 14 малака ошириш институтида таърибдан ўтказилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш, инклюзив таълимини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жойларда «Китобхонлик байрамлари», «Адабиёт ҳафталиклари», мусиқий кўрик-танловлар, ижодий фестивалларнинг мунтазам ўтказилаётгани ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ва унумли ташкил этиш имконини бермоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

**Миллий санъатимизнинг ўтмишдан то
бугунги кунгача етиб келган нодир
намуналарини томоша қилар эканмиз,
ҳар бир санъат тагида машаққатли
меҳнат, тинимсиз изланиш, бой
тарихимиз ва меросимизга бўлган
юксак муҳаббатни янада теранроқ
англаймиз.**

Кўргазмалар

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ИЖОДИ

Аждодлардан келажак авлодга, устоздан шогирдларга ўтиб келаётган миллий санъатимизнинг бугунги салоҳияти ва нуфузи нафақат юртимиз, балки дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида етишиб чиқаётган иқтидорли ижодкорларни кенг жамоатчиликка таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари сира-сидандир. Бу эса, устоз-шогирд аъённаларини сақлаб, уларни хотирлаб, меросини давом эттириш ҳамда санъатимизнинг ривожига ҳисса қўшиб келаётган ёшлар санъатини намойиш этиш ва уларнинг яратилиш тарихи билан бевосита танишиш имконини беради.

Ўзбекистон амалий санъат музейида бўлиб ўтган «Аждодлар мероси унутилмас хазина» деб номланган кўргазмада уста хунарамандлар ва уларнинг шогирдларининг ижодлари намойиш қилинди.



Кўргазмада Нарзуллаевлар сулоласидан май-да пластика бўйича Д.Нарзуллаева, каштачилик бўйича М.Нарзуллаева ўз ижодларини намойиш қилдилар.

Жумладан, Н.Аҳмедова, Д.Ажибекова миллий кўгирчоқ либослари, Ғ.Даминов бадий чинни-созлик, А.Нарзуллаев кулчилик, О.Асомов лок миниатюраси, О. Масальская, Д.Масальская на-мат санъати, А. Пономарёва табиий тошлар билан безатилган тақинчоқлар, Д. Ғуломов ва Н.Иминова либос, сумка ва майда жиҳозлар, Б.Дадамухаммедов заргарлик санъати, Б.Мавлонов ёғоч ўймакорлиги санъати турлари бўйича сара асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этдилар.

Кўргазма давомида томошабинлар ва мухлислар санъат асарларининг яратилиш жараёнини кузатиш, ушбу жараёнда иштирок этиш ва бир вақтинг ўзида эстетик лаззатдан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

Икки кун давом этган кўргазмада мухлислар Амалий санъат музейи экспозицияси-дан ўрин олган экспонатларни яқиндан кўришди, уста хунарамандлар ижоди билан танишишди ҳамда майда пластика ва каштачилик санъати бўйича бўлиб ўтадиган маҳорат сабоқларида иштирок этишди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат**

Китоб – инсон тафаккурини юксалтириш, дидини чархлаш, онги ва қалбига эзгуликни сингдиришнинг муҳим воситасидир. Бугун ахборот технологиялари ҳар қанча ривожланмасин, инсоният тараққиётида китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайд.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўлмали маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганидан мақсад ҳам ўз фикри ва дунёқарашига, фаол фуқаролик позициясига эга, билимли ва маънавиятли ёшларни – баркамол авлодни вояга етказишдир.

Жорий йилнинг 23-24 май кунлари «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида ўтказиладиган республика «Китоб байрами» ана шу эзгу ишларнинг мантқий давоми бўлади. Бу маърифат байрами Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон уюшмаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўзбекистон савдо-саноат» маъсулияти чекланган жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Тошкент ва Нукус шаҳарлари ва барча вилоят марказларида ташкил этилади.

«Китоб байрами»нинг асосий тадбири пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан маълум қилишларича, тадбирларни юқори савияда ўтказишда мамлакатимиздаги нашриётлар, матбаа корхо-

2013 йил — Обод турмуш йили

КИТОБ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ

**Мамлакатимизда 23-24 май кунлари
«Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка
эътибор» шиори остида республика «Китоб
байрами» ўтказилади.**

налари, китоб савдоси ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашга, улуғ мутафаккирларимизнинг китоб ва китобхонлик санъати ҳақидаги ҳикматлари туширилган паннолар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Китоб байрами»да барча ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонлар иштирок этиши мумкин. Ҳар бир киши бу йўналишда ўзи учун зарур маълумот олиш, излаган китобини топиш, ўзининг билими, қизиқиши ва саводхонлигини синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлади. Шу мақсадда «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила» каби мавзуларда интеллектуал ўйинлар ўтказилади. Викториналар, ижодий мuloқот ва суҳбатлар, адаблар, шоирлар, китоб графикаси бўйича рассомлар, муҳаррирлар билан ижодий учрашувлар, китоб кўргазмалари ташкил этилади.

Уларда мустақиллик йилларида маънавий-маърифий жаҳада олиб борилаётган ишлар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари, халқаро китоб бозорлари ва турли танловларда нуфузли совринларга сазовор бўлган китоблар, янги нашрлар намойиш этилади. Обод турмуш йилига бағишланган кўргазма-тақдимотдан

мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва юксак самаралари ҳақидаги асарлар ўрин олган.

«Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзусида ташкил этиладиган илмий-амалий анжуман байрам доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир. Таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, китоб графикаси бўйича рассомлар, мунаққидлар ва бошқа мутахассислар иштирокида ўтадиган анжуманда ноширлик, матбаачилик ишнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, миллий адабий жараёнлар таҳлил этилади. Аҳолининг босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи, китоб бозори конъюнктураси ва маркетинги борасидаги аҳвол ўрганилиб, соҳа ривожига ҳақида фикр алмашилади.

«Китоб байрами»га ташриф буюрувчиларнинг вақтини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида ёш ижодкорларнинг мушоиралари, таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида концертлар намойиш этилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

**Маълумки, Тошкент шаҳар ва туманлар
ҳокимликларининг масъул ходимлари, фуқаролар
йигинлари раислари, котиблари, диний маърифат
ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича
маслаҳатчилари, маҳалла посбони жамоатчилиги
тузилмаси раҳбарлари иштирокида
пойтахтимизнинг барча туманларида ўқув-
семинарлари бўлиб ўтди.**

ЗАМОНАВИЙ ИШ ЮРИТИШ УСУЛЛАРИНИ МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ушбу семинарларда бошқа бир қатор долзарб масалалар билан биргаликда фуқаролар йиғинларида замонавий иш юритишни ташкил этиш ва архив ҳужжатларини юритишга доир мавзуларда ҳам маърузалар қилинди.

Жумладан, туман фуқаролар йиғинлари бўйича Жаҳон тиллари университети, Тошкент иқтисодиёт коллежи, Тошкент банк коллежи, Тошкент меҳмонхона коллежи ва хотин-қизлар коллежида ташкил этилган семинарларда Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси тизимидаги Тошкент шаҳар давлат архив ходимлари М.Ғаипова, С.А.Везова, Ғ.Аҳмедова ҳамда С.Қулдашевлар фуқаролар йиғини фаолиятида ҳужжатлар билан ишлаш, фуқаролар муносабатларини рўйхатга олиш, аҳоли қонун ҳужжатларида назарда тутилган турли маълумотномаларни бериш тартиб-қоидалари ва ташкилий-фармойиш ҳужжатлар тизими, ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар мавзуларида маърузалар қилишди.

Семинарларнинг компьютер технологияларини қўллаб, турли амалий ва анимацион слайдлар намойишлари орқали ўтказилганлиги, айнқиса, замонавий иш юритиш усуллари, қроғозси технологияга асосланган ҳужжатлар айланиши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб архив иши ва иш юритиш самарадорлигини ошириш йўллари очиб берилганлиги сабабли фуқаролар йиғинлари фаоллари орасида катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари ўқув-семинарларда Тошкент шаҳар давлат архивида фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ва мутахассислари учун услубий ёрдам кўрсатиш имкониятлари, амалга оширилаётган ислохотлар ва архив соҳасининг энг сўнгги янгилликлари тўғрисида йиғилганларга маълумотлар, шунингдек, Тошкент шаҳар давлат архивининг веб сайти ва ундаги доимий тўлдириб бориладиган янгилликлар саҳифаси, электрон почтаси ҳамда кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида амалий кўрсатмалар берилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 апрелдан 2013 йил 20 майгача ўтказилган кимовиди савдолари натижалари тўғрисида маълумот				
Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Кўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
22.04.2013	Учтепа тумани СИБ	Учтепа тумани СИБ томонидан 13.08.2012 й. № 1-127/12 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11-мавзе, 60-уй, 54-хонадон	45 000 000	50 200 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к, худудда жойлашган 4-сонли савдо дўкон, 4 блок	62 490 839	64 750 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к, худудда жойлашган 5-сонли савдо дўкон, 5 блок	62 490 839	64 750 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к, худудда жойлашган 1-сонли савдо дўкон, 1 блок	81 351 923	86 500 000
25.04.2013	Бекобод шаҳар СИБ	Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, С. Раҳимов кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган «Жисмоний маданий соғломлаштириш комплекси»	150 453 000	159 800 000
30.04.2013	Бекобод шаҳар СИБ	Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898 - сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган ҳовли	81 150 297	86 300 000
10.05.2013	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381 - сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к, худудда жойлашган автомобиллар тўхташ жойи	486 138 623	505 100 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.

«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 апрелдан 2013 йил 20 майгача ўтказилган кимовиди савдо натижалари тўғрисида маълумот				
Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
22.04.2013	Бекобод шаҳар СИБ	2002 й. и.ч. «Нексия» д.р. 60 М 709 EA	17 333 655	18 450 000
	Олмалик шаҳар СИБ	1992 й. и.ч. «Ваз 2109» д.р. 10 D 8231	2 251 776	2 450 000
23.04.2013	Чирчиқ шаҳар СИБ	2002 й. и.ч. «Нексия Сонс» д.р. 10 J 772 BA	16 302 000	17 450 000
	Пискент тумани СИБ	«Ока Ваз-1111» д.р. 11 X 2655	1 143 749	1 225 000
25.04.2013	Миробод тумани СИБ	1981 й. и.ч. «ГАЗ-Газ24-СНГ» д.р. 10 T 970 EA	2 630 000	2 630 000
		1993 й. и.ч. «Газ 310292» д.р. 01 X 869 CA	784 664	860 000
		1984 й. и.ч. «Ваз 2106» д.р. 01 T 784 FA	2 705 099	2 980 000
		1989 й. и.ч. «Ваз 2107» д.р. 10 X 3994	7 190 596	7 650 000
29.04.2013	Сув ҳўжалик сисемаларининг илмий тештирув маркази шўба корхонаси	2009 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 01 755 QAA	20 441 700	22 000 000
30.04.2013	Чилонзор тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Калтива» д.р. 01 422 DBA	57 715 000	60 800 000
	Бекобод шаҳар СИБ	1999 й. и.ч. «Дамас» д.р. 10 V 615 DA	6 800 000	7 250 000
03.05.2013	Бекобод шаҳар СИБ	2006 й. и.ч. «Дамас» д.р. 10 D 364 BA	6 610 000	9 300 000
06.05.2013	Паркент тумани СИБ	1990 й. и.ч. «Луаз 969» д.р. 11 N 3737	781 728,57	860 000
	Олмалик шаҳар СИБ	1979 й. и.ч. «Ваз 2106» д.р. 11 Y 4226	857 831	920 000
	Чилонзор тумани СИБ	1998 й. и.ч. «Мерседес Бенц Е200» д.р. 01 J 655 FA	28 800 000	30 600 000
13.05.2013	Чирчиқ шаҳар СИБ	1989 й. и.ч. «Ваз 21063» д.р. 11 F 1102	2 907 835	3 090 000
		1977 й. и.ч. «Ваз 21011» д.р. 10 H 659 BA	3 049 760	3 260 000
		1993 й. и.ч. «Peugeot» д.р. 10 K 583 EA	5 017 100	5 360 000
	Зангиота тумани СИБ	2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 O 998 DA	14 071 000	15 000 000
15.05.2013	Бекобод шаҳар СИБ	1985 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 N 2357	561 724	616 000
	Мирзо Улугбек тумани СИБ	1998 й. и.ч. «Schmitz SK 024» д.р. 16 C 616	36 166 500	38 450 000
		1999 й. и.ч. «Даймерлбенц» д.р. 15 U 0077	50 633 100	54 000 000
20.05.2013	Бектемир тумани СИБ	2009 й. и.ч. «Калтива» д.р. 01 V 101 BA	50 215 626	53 300 000
	Миробод тумани СИБ	1986 й. и.ч. «Ваз 21063» д.р. 01 A 648 JA	4 193 100	4 470 000
		1994 й. и.ч. «Ваз 21083» д.р. 01 D 728 EA	6 426 425	6 860 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.

БИЛИМ, ТАРБИЯ ВА ИФТИХОР МАСКАНИ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан
Ўзбекистон Бадий академияси,
Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда
мамлакатимизда «Музейлар – тарих
кўзгуси» мавзусида маданий-маърифий
ҳафталик ўтказилмоқда.**

Ҳафталик доирасида Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда «Музейлар: тарих, замонавийлик ва келажак талқини» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда санъатшунос ва тарихчи олимлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, маҳалла фалолари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Хабидуллаев, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Ғ.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, билим ва тафаккурини кенгайтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга ҳурмат руҳида вояга етказишда музейларнинг ўрни ва аҳамияти беҳиссидир. Мамлакатимизда музейлар фаолиятини давр талабига мос йўлга қўйиш, уларнинг захирасини янада бойитиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тақомиллаштириш, улардаги нодир ашёлар, осори-атиқаларни сақлаш, ўрганиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимиз музейларида адабиёт, тарих, миллий истиклол ғояси ва маънавийт асослари сингари ўқув фанлари бўйича очик дарслар ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу ёшларнинг билимини бойитиш ва кенгайтириш билан бирга уларнинг Ватанимиз тарихи, маданияти ва санъатига бўлган қизиқишини қучайтиришга хизмат қилади.

Семинарда юртимиз музейларида яратилган шарт-шароитлар, музей маркетинги ва педагогикасининг ўзига хос жиҳатлари, саёҳатчи ривожига мазкур соҳанинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
бошланғич баҳоси босқичима-босқич ошиб бориш
тартибидда ўтказиладиган очик ким ошди савдосига
таклиф этади!**

1. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 19.12.2011 й. № 1-553 - сонли ижро ҳужжати асосан 2003 й. и.ч. «Газ 3110», д.р. 10 G 155 CA. Бошланғич баҳоси – 3 339 250 сўм. Бўстонлик тумани СИБ томонидан: 2. 13.11.2012 й. № 1-257 - сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «М 412 ИЭ», д.р. 10 X 213 AA. Бошланғич баҳоси – 935 590 сўм. 3. 25.08.2009 й. № 220/2009 - сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. «Ваз 2101», д.р. 11 A 0487. Бошланғич баҳоси – 542 659 сўм. 4. 20.06.2010 й. № 158-2010 - сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Газ 2417», д.р. 11 M 0152. Бошланғич баҳоси – 873 864 сўм. 5. 18.03.2009 й. № 1-25 - сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «М 412 ИЭ», д.р. 11 X 8304. Бошланғич баҳоси – 485 207 сўм. Бўстонлик тумани, Фазалкент 2. «Мария Текстил Сервис» МЧЖ жари-ма майдончасида сақланмоқда. Бекобод тумани СИБ томонидан: 6. 16.12.2012 й. № 24806 - сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и.ч. «Газ 31029», д.р. 11 E 7153. Бошланғич баҳоси – 3 525 000 сўм. 7. 26.02.2013 й. № 25202 - сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Исузуфарго», д.р. 11 J 9010. Бошланғич баҳоси – 5 007 600 сўм. Бекобод тумани, Ёшлик ХХСКда сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 6 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 8. 03.05.2013 й. № 1036 - сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «ГАЗ-Ваз-2103-СПГ», д.р. 10 G 884 EA. Бошланғич баҳоси – 1 400 000 сўм. 9. 03.05.2013 й. № 1037 - сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. и.ч. «Ваз 2103», д.р. 11 V 9796. Бошланғич баҳоси – 900 000 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. Бектемир тумани СИБ томонидан: 10. 10.04.2013 й. № 3389/3 - сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. и.ч. «Ваз 21063», д.р. 10 K 728 BA. Бошланғич баҳоси – 4 127 682,40 сўм. 11. 10.04.2013 й. № 3397/3 - сонли ижро ҳужжати асосан 1980 й. и.ч. «Ваз 2106», д.р. 01 Q 690 NA. Бошланғич баҳоси – 5 095 000 сўм. 12. 10.04.2013 й. № 3388/3 - сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Ваз 21061 СПГ», д.р. 01 O 312 JA. Бошланғич баҳоси – 5 400 000 сўм. 13. 10.04.2013 й. № 3391/3 - сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Ваз 21013», д.р. 01 W 609 GA. Бошланғич баҳоси – 3 788 614 сўм. «ИИББ Ахборот маркази»да сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 24 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ким ошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш ким ошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Ким ошди савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат қелишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ-нинг АТ

Халқаро оила куні муносабати билан «Қушбеги» спорт мажмуасида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида «Спортчилар оиласи – мустаҳкам оила» оилавий спорт мусобақасининг якуний босқичи ўтказилди.

Мусобақалар

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ — МУСТАҲКАМ ОИЛА



Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила аъзоларининг жисмонан бақувват, баркамол бўлиши ва умумий иш қобилиятини юксалтириш мақсадида ташкил қилинган ушбу му-

собақада 11 та оилавий жамоалар куч синашди. Мусобақаларда ҳар бир жамоадан 45 ёшгача бўлган ота-она ва 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 2 нафар фарзанд иштирок этиб, улар югуриш, ни-

шонга отиш эстафетаси, ким чаққон ва мерган, моҳир ҳужумчи, эпчил қиз шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Бундай спорт мусобақаларини ўтказиш орқали оилаларни турли спорт уйинлари ва жисмоний машқларга қизиқтириш, спорт билан шуғулланувчи оилаларнинг сафини кенгайтириш, маҳаллалардаги оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга эришилмоқда, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими директори Маҳбуба Маҳкамбоева. — Мусобақаларга асосан уй бекалари, ўсмир қизлар, ёш оилалар жалб қилинмоқда. Жисмоний тарбия билан шуғулланган ота-она албатта фарзандларига нисбатан ҳам шу талабни қўяди. Бундай оилаларда эса соғлом, баркамол авлод вояга етишишига эришилади.

Мусобақа якунига кўра биринчи ўрин Яккасарой туманидан иштирок этган Сафинлар оилавий жамоасига насиб этган бўлса, иккинчи ўринга Чилонзор туманидан қатнашган Акрамовлар оиласи лойиқ деб топилди. Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи Хайдаровлар оилавий жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Шахноза ҚУДРАТХҲАЕВА

Спорт янгиликлари

ҲАММАСИ ТОШКЕНТДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Футбол бўйича Таиландда Осиё чемпионлар лигаси турнирининг нимчорак финал учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Таиланднинг «Бурирам Юнайтед» ва Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоалари ўзаро куч синашишди. Айтиш жоизки, ўйин муро-сасиз кечди. Устунлик гоҳ «Бурирам Юнайтед», гоҳ «Бунёдкор» томонида бўлди. Аммо вазиятлардан мезбонлар самарали фойдаланиб, Зухуров қўриқлаётган дарвозага иккита гол киритиб, ўз дарвозаларидан битта тўп ўтказиб юборишди. «Бунёдкор»дан рақиблар дарвозасини Игорь Таран аниқ нишонга олди. Бу икки жамоа ўртасидаги жавоб учрашуви 21 май куні Тошкентда бўлиб ўтди.

Филиппиннинг Манила шаҳрида шахмат бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МАНИЛАГА БОРИШАДИ

Унда қўтғамизнинг энг кучли «ақл гимнастики» усталари қатори мамлакатимиз шахматчилари ҳам ғолиблик учун дона суришади.

Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан Осиё чем-

пионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган халқаро гроссмейстерлар Нафиса Мўминова ва Марат Жумаева омад ёр бўлсин деймиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

— Аслини олганда бу каби анжуманлар нафақат соҳа мутахассислари, балки барча учун бирдек аҳамият касб этади, — дейди Камолитдин Бехзод номдаги МРДИ талабаси Дурдона Рафикова. — Зеро, ҳар биримиз миллий маънавиятимиз кўзгуси ҳисобланмиш музейлар ҳақида қанча ўргансак шунча оз. Бугун ушбу анжуманда бу борада кўплаб билимларга эга бўлдик. Албатта, улар бизнинг келгуси фаолиятимизда катта мактаб вазифасини ўтади.

Ўзбекистон Тарихи давлат музейи илмий ходими Тамара Нуриддинова шу кунга қадар ўрганилган маданий топиломалар борасида маъруза қилар экан, ҳар бир экспонат миллий мерос эканлигини ва улардаги энг майда нақшлар ҳам катта аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Тадбир турли баҳс-мунозаралар билан ўз ниҳоясига етди.

Ўзгал қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлмиш музейлар фаолияти шу каби конференцияларда яна бир ривожланиш босқичига кўтарилади.

Садоқат АЛИЖОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛАДИ

Ўзбекистон Тарихи давлат музейида «Ўзбекистоннинг бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар» мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Бутунжаҳон музейларни ҳимоя қилиш куні муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унда пойтахт ва вилоятларда жойлашган турли музейлардан вакиллар, тарихшунос олимлар, маданиятшунослар ҳамда талабалар қатнашди.

Конференцияда маъруза қилганлар бугунги кунда музейларнинг дунё тамаддунида тугган ўрни бекиёс эканлигини эътироф этдилар. Қолаверса, яқин ва узок

тарихдан хабар берувчи турли экспонатлар мужассамлашган бундай масканларнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти юксак эканлигини таъкидлашди. Музейларнинг ихтисослашуви борасида сўзга чиққан 64-мактабнинг уч нафар ўқувчисининг фикрлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбир давомида музейлар билан боғлиқ айрим муаммолар юзасидан берилган саволларга ўринли жавоблар берилди.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат табиат музейида Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида Халқаро музейлар куні муносабати билан «Экологик таълим-тарбия ва аҳолининг экологик маданиятини оширишда музейларнинг ўрни» мавзuidaги давра суҳбати бўлиб ўтди.

ОНА ТАБИАТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Давра суҳбатида мерос бўлган ашёлар, топиломалар, инсоният ижоди маҳсули сифатида яратилган санъат асарлари сараланиб музейлардан жой олиши ҳамда умуминсоний бойликка айланиши таъкидланиб, юртимизда ўз йўналишига кўра турли хил музейлар мавжудлиги, шу қатори Ўзбекистон давлат табиат музейи фаолияти ҳамда она табиатни асраш ҳақида атрофлича сўз борди.

Мазкур музей ўз йўналишига кўра Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, унинг илмий фондида табиатшуносликка оид жуда кўплаб музей ашёлари мавжуд. Жумладан, бугунги кунда музей фондида 350 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 1000 дан ошиги музей бўлимларида намойиш қилинмоқда. Мустақиллик йилларида музей илмий фонди доимий равишда бойитиб борилди, ана шу

мақсадда унинг ходимлари томонидан Республика ҳудудлари бўйлаб бир қатор илмий экспедициялар ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат табиат музейига таъриф буюрганлар энг қадимги даврлардан то бугунги кунгача мамлакатимиз ҳудудида рўй берган табиий жараёнлар, мавжуд табиат ёдгорликлари, «Қизил китоб»га киритилган жонзотлар билан танишиш имконига эга бўлади. Шунингдек, музей ходимлари мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштириш, ёш авлодни экологик руҳда тарбиялаш, экологик таълим-тарбия йўналишидаги лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Тадбир сўнггида иштирокчилар музей фаолияти билан танишиб, ундаги экспонатлар ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

Ғанишер ТОХИРОВ,
«Туркистон-пресс»

Шифобахш неъматлар

ГИЛОСГА МАРҲАМАТ

Гилоснинг хосиятларини таъриф этадиган бўлсак, мевалари иштаҳа уйғотади, қоринни дамла-нишдан холи этиб, ични юмшатади.

Гилосли қайнатмалар нафас йўллари яллиғланишида, балғам кўчиришга ёрдам беради, шамоллаганда ҳароратни туширувчи беозор омил сифатида ишлатилади.

Олимларнинг қайд қилишича, гилос гуллари ва баргларида кўшиб тайёрланган малҳамни яра-жароҳатлар, чиққон, хўппозларга қўйилади. Баъзи мамлакатлар халқ табиотида буйрак-тош касаллиги давоси учун гилос меваларидан тайёрланган қайнатма буюрилади.

Халқ таъбиотчилиги амалиётида гилос гулидан бод касаллигини даволашда фойдаланилади. Чиндан ҳам гилос гуллари таркибида салицил кислотаси мавжуд. Бу омил эса замонавий тиббиётда ревматизмни даволашда атрофлича қўлланади. Шифокорлар гилосни камқонлик (гипохромли анемия) касаллигида истеъмол этишни тавсия қиладилар. Чунки унинг таркибида салмоқли микдорда «қон яратув-

Ўлкамизда май ойи бир қанча хосиятли мевалар билан дастурхонимизни безайди. Айни кунларда ёқут «либос»ли қулупнай, танаманзур кўксултон, алвони гилослар назарингизни ўзига тортди, татимлилиги билан ҳузур бағишлайди.

чи» темир унсури бор. Гилос таркибида Р билан белгиланадиган биологик фаол модда бўлганлиги ту-файли, уни ҳафакон хас-талигини даволашда тавсия қилиш мумкин. Бу мақсадда тўқ-қизил гилос нави-дан ҳар кун икки юз элик, уч юз грамм микдорда истеъмол этиб туриш тавсия этилади.

Гилос навларидан уй шаронитида мурabbo, шарбат ва чули (компот) тайёрлаш мумкин.


Даволаш бобида тўқ-қизил гилослар шифобахш моддалар сақлаши билан ажралиб туради. Мевалар таркибида Е, В1, В, РР, С белгилли дармондорилар, антецианлар, органик ачиллар, маъданий унсурлар (калий, кальций, магний, фосфор, темир унсурлари шодаси) мавжуд.

Этибор берсангиз, гилос жуда кўркам дарахт, у ўзининг жозибаси билан боғ ва ҳовлиларга ўзгача фойз ато этади. Дарахтнинг нуқраданг, пушти кўринишдаги гуллари ки-шини мафтун этади. Ме-васи навиға қараб майиюн ойларида пишшади.

Республикаимиз кўламини «Қора гилос», «Саври султоний», «Сариқ гилос» навлари етиштирилади. Навдаларида қизил маржон таққан-дай кўзни қувонтирувчи гилос навлари инсон саломатлиги учун қони фойдадир.

Эслатма сифатида шунини айтиш керакки, пайвантак сифатида олчадан фойдаланиладиган бўлса, дарахтнинг умри хийла боқий бўлиб, унинг меваларидан кўп йиллар баҳраманд бўлиб юрасиз.

Дано ХҲАЕВА,
олий тоифали дорисхона



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Сахий кишининг кўнгли ҳам, дастурхони ҳам очик бўлади.

Ўзини билмаган ўзгани қайдан билсин.

Ҳамма нарсаси ҳам ўз вақтида келгани маъқул — муддатидан олдин келса, қадрига етмайсан, кечикса керак бўлмай қолади.

Айтадиган гап бор, айтмайдиган гап бор.

Ҳеч кимнинг ҳаёти ўзи ўйлаган йўсинда кечмайди.

Қалб ҳамиша биринчи бўлиб сезади, лекин ақл кўмакка келмаса, тўғри қарор қабул қилолмайди.

Майда-чуйдаларга ўралашиб қолган киши катта ишларга журъат қилмайди.

Кимдан ном қолади, кимдан мол-дунё.

Йўқотилган йиллар ҳаммада ҳам бўлади, фақат кимдир унинг ҳиссасини чиқариб олади, кимдир йўқ.

Ёшлиқда йилларнинг тезроқ ўтишини хоҳласанг, қариликда тўхтаб туришини хоҳлайсан.

Ўзидан қоникмаган дунёдан қандай қониксин.

Бировнинг ташвиши бошқага ортиқча.

Билиб туриб қилинган гуноҳнинг жазоси оғир бўлади.

Кўзи очик адашган жойда кўрдан гина йўқ.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 22 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.

Тошкент шаҳрида 22 май куні ҳаво ўзариб турлади, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундиға 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11938 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақиланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топирилди: 13.45

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ